



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 12 - aprel

681и -son

Bog‘ot shaharchasi

**“URGANCH GLOBAL TRADE GROUP” масъулияти чекланган жамиятига Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧК Хоразм кўриқлаш хизмати бригадаси жойлашган 5-Қалажикқалъа взводида кўп қаватли турар жой биноси қуриш учун Боғот тумани “Қалажикқалъа”, “Ўзгариш” ва “Боғзор” маҳаллалари ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари фаолиятинининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4609ўм-сонли қарори, Хоразм вилояти ҳокимининг 2020 йил 30 октябрдаги 5-168-сонли хатини ҳамда “URGANCH GLOBAL TRADE GROUP” МЧЖ раҳбари А.Султоновнинг ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 23 мартдаги ШЯ-С-1278-сонли сўровномасини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2020 йилдаги йиғилиш баёнини ҳамда туман ҳокимлиги ва “URGANCH GLOBAL TRADE GROUP” МЧЖ ўртасида тузилган 2021 йил март ойидаги “Ўзбекистон Республикаси ДХХ ЧК Хоразм кўриқлаш хизмати бригадаси жойлашган 5-Қалажикқалъа взводида 2 қаватли 8 хонадондан иборат 2 та кўп қаватли турар жой биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича” тузилган БИТИМни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 22-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги 6, 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи 5-Қалажикқалъа взводида 2 қаватли 8 хонадондан иборат 2 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиши инвестори “URGANCH GLOBAL TRADE GROUP” МЧЖга “Намунавий лойиҳа асосида турар

жой ва ишлаб чиқариш” бинолари қуриш учун Боғот тумани “Қалажиққалъа” маҳалласи “Тошкент” массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 923 қисман контуридан 1,08 га, “Ўзгариш” маҳалласи “Дехқонобод” массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 760, 763, 764, 766, 767, 768, 769, 801 қисман контурларидан 15,15 га, “Боғзор” маҳалласи “Хоразм” массиви қишлоқ хўжалик харитасининг 73 қисман контуридан 1,22 га ер майдонлари доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га;

5-Қалажиққалъа взводида 2 қаватли 8 хонадондан иборат 2 та кўп қаватли турар жой биносини қуриш эвазига Боғот тумани “Қалажиққалъа”, “Ўзгариш” ва “Боғзор” маҳаллалари ҳудудидан ажратиб берилган жами 17,45 га ер майдонларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев)га, ер участкасида объект қурилишини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари (А.Куръязов)га, белгиланган тартибда ер солиғига боғлиқ ҳисоботларни ўзгартириш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилишни туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Жуманиёзов)га топширилсин.

5. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Д.Рўзибаев) ва “Қалажиққалъа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Т.Полвонов)га, “Ўзгариш” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Ж.Ахмедов)га, “Боғзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Қ.Хўжақов)га доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонларини жойнинг ўзида (натура)да, далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.


6. Белгилаб кўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасининг 6, 10-бандларига асосан доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 2 (икки) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилсин.

7. “URGANCH GLOBAL TRADE GROUP” МЧЖ раҳбари А.Султоновга:

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер участкасини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рўзметов ва А.Куръязовлар зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**